

Сирдарёга иккинчи карвон йўлга тушди



15:00 / 04.05.2020 1647

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм!

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Расулulloҳга дурудун салаотлар бўлсин!

Бир неча дақиқа олдин Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Сўгалли ота кўчаси, 5-уйда ташкил этилган хайрия штабидан озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, дори-дармонлар, ўйинчоқлар ва бошқа турдаги жами 70 тоннача маҳсулот юкланган автокарвон Сирдарё томон йўлга тушди.



Бу карвон Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида офатдан зарар кўрган фуқароларга етказиб берилади.

Карвонни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-ноибни Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва ёрдам штаби ташкилотчилари Аллоҳ таолодан юртимизга тинчлик-хотиржамлик, офият сўраб, дуолар билан кузатиб қўйишди.



Эслатма: Сирдарёликларга ёрдам хайрия штабига ун, шакар, гуруч, макарон, ёғ каби **узоқ сақланадиган, тез бузилмайдиган** қуруқ озиқ-овқат **маҳсулотлари** қабул қилиняпти. Шунингдек, офатдан зарар

кўрганларга биринчи навбатда керак бўлиб турган **қурилиш материаллари** ҳам қабул қилинмоқда.





Аллоҳ таоло хайр-эҳсонлар қилган, хайрия ишларига бевосита ва билвосита ҳисса қўшган барча саховатпеша азизларимизга Ўзи ваъда қилган ажру савобларни ато этсин!

Бирлигингга кўз тегмасин, меҳри дарё, бағрикенг халқим!

Штаб манзили: Grand Ta'lim NTM

<https://goo.gl/maps/aYdWRJRNQghBfhux7>

Телефонлар:

+998 93 397 0012

+998 97 412 2775

Саволлар учун: @grandtalimadmin_bot

Маълумотлар учун: @sardoba2020

Хайрия маблағлари ўтказиш учун:

8600 3329 4846 7836

URMANOV IXLOSIDDIN